

БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМДА ИНТЕГРАЦИЯЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Онахон Маннаповна Жабборова

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти,
Бошланғич таълим кафедраси мудири
o.jabborova@cspi.uz

АННОТАЦИЯ

Мақолада бошланғич таълимнинг интеграциялашув масалалари ва унинг тизимлари, ёндашувлари, усуллари ақс этирилган. Бошланғич таълимни ривожлантиришда интеграциянинг ўрни кўрсатилган ва ушбу масала бўйича услубий тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: бошланғич таълим, педагогика, психология, тарбия.

ISSUES OF INTEGRATION IN PRIMARY EDUCATION

Onaxon Mannapovna Jabborova

Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region,
Head of the Department of Primary Education
o.jabborova@cspi.uz

ABSTRACT

The article reflects the issues of integration of primary education and its systems, approaches, methods. The role of integration in the development of primary education is highlighted and methodological recommendations on this issue are given.

Keywords: primary education, pedagogy, psychology, upbringing.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида илм-фан ва таълим-тарбия соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида бошланғич таълимда интеграция масалаларини кучайтириш вазифаси қўйилган [1]. Чунки, интеграция бошланғич таълим жараёнини, ўқитиш воситаларини ва тарбия асосларини уйғунликда амалга ошириш имконини беради. Шунингдек, бошланғич таълимда интеграция масалалари илм-фан,

ишлаб чиқариш ва амалиёт бирлиги таъминлайди. Шу сабабли ҳозирги замон бошланғич таълимда интеграция масалаларини ҳал қилиш долзарб бўлиб турибди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ўзбекистон бошланғич таълимида интеграциялаш масалаларининг асослари қуйидагилардан иборат:

- ўқув дастурлари ва уларнинг мавзулари ягона Миллий ўқув дастури асосида ўзаро боғлиқликда ишлаб чиқиш;

- ўқув дарсликларини назарий ва амалий, ижтимоий ва компетенция жиҳатдан уйғунлаштирилган тарзда яратиш;

- бошланғич таълимда амалга оширишда тегишли институтлар, лабораториялар ва илмий марказларнинг имкониятларида фойдаланиш;

- ягона Миллий ўқув дастури асосида тизимли ва рейстрли боғлиқлигини ишлаб чиқиш;

- бошланғич таълим ва тарбиянинг узвийлигини таъминлаш;

- бошланғич синф ўқитувчиларининг илмий, ўқув ва методик ҳамкорлигини йўлга қўйиш;

- ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасини миллий ва хорижий тажрибалар асосида уйғун баҳолаб бориш.

Бошланғич таълимда интеграция қуйидаги хусусиятлари билан ажралиб туради:

- ўқувчиларнинг билим, кўникма, малака ва компетенцияларини уйғун шакллантириш;

- бошланғич таълимда тарбия жараёнини инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш;

- бошланғич таълим битирувчиларини Президент ва ихтисослашган таълим муассасаларига ҳамкорликда тайёрлаш;

- бошланғич таълим ўқув машғулотларини турли шакллар асосида ташкил этиш;

- бошланғич синф ўқувчиларининг ўзлаштириш даражасини холис баҳолашни амалга оширишда ҳамкорлик қилиш.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Бу хусусиятлар бошланғич таълимнинг самарадорлигини интеграцион жараёнлар асосида амалга ошириш имконини беради.

Бошланғич таълимда интеграция масалалари қуйидаги шаклларга эга:

- синфлараро ягона тизимлик;
- мактабдаги синфлараро ягона бутунлик ва индивидуаллик;
- ҳудудлараро бошланғич таълим муассасаларининг бирлашуви;
- Республика миқёсида бошланғич таълимнинг ягона ҳамкорлиги.

Мазкур интеграцион шакллар бошланғич таълимнинг самарадорлигини оширишга амалий туртки беради.

Ҳозирги замон бошланғич таълимида энг асосий масалалардан бири болаларни замон талаблари асосида тарбиялашдир. Шу сабабли янги “Тарбия” фани ишлаб чиқилиб амалиётга жорий этилди. Мазкур фан воситасида тарбия масаласида қуйидаги интеграцион жараёнларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади:

- ўқувчилар тарбиясида оила, жамоатчилик ва мутахассислар гуруҳларининг ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйиш;
- тарбиявий жараённинг ягона тизимини шакллантириш;
- тарбияланганлик даражасини баҳолашнинг уйғунлашган индикаторларини ишлаб чиқиш;
- тарбия жараёнида назарий ва амалий ҳамкорликнинг уйғунлашувига эришиш.

Бошланғич таълимда интеграция масалалари мактаб жамоаси босқичида ҳал қилиниши кутилган самарани беради. Шу сабабли амалга киритилаётган ягона Миллий ўқув дастурининг асосий моҳияти таълим ва тарбия жараёнини интеграция, яъни ўзаро бирликда ташкил қилиш асослари ташкил қилади. Бунинг учун олий педагогик таълим муассасалари ва умумий ўрта таълим муассасаларининг ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйиш лозим бўлади [2].

ХУЛОСА

Шундай қилиб, бошланғич таълимда интеграция масалаларини ҳал этиш учун назария ва амалиёт уйғунлигига асосланиш керак. Бу борада олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларини мувофиқлаштириш ва уларнинг тажрибаларидан фойдаланиш тақозо этилади [3].

Бошланғич таълимда интеграция масалаларини ҳал қилишда таълим, ўқитиш ва тарбия жараёнларининг бирлиги эътибор бериш мақсадга мувофиқ бўлади. Айна мана шу бошланғич таълимда интеграцион жараёнларни кутилган даражада амалга ошириш имконини беради.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида илм-фан ва таълим-тарбия соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. // “Халқ сўзи” газетаси 2020 йил 7 ноябрь сони.
2. Мардонов Ш.Қ. Педагогика фанидан ўқитишнинг электрон-модулли дидактик таъминотини ишлаб чиқиш технологияси. Т., 2021.
3. Каримжонов А., Очилов Ф.И. Бошланғич синфларда таълим-тарбия муаммолари. Т., 2021.
4. Jabborova Onakhon Mannapovna. (2019). Psychological and pedagogical foundations of the formation of the artistic perception of students in secondary schools. *European journal of research and reflection in educational sciences*, 7(10), 9-14.
5. Jabborova Onakhon Mannapovna, Ismoilova Dilafuz Mukhiddinovna. (2020, may). Optimization of primary education. *ACADEMICIA: An international multidisciplinary research journal*, 10(5), 1229-1232.
6. Mardonov Sh.K., Jabbarova O.M.. Objectives of the lessons of visual arts in primary school. *Academic research in educational sciences*, Issue 3, 2020, pp 862-870.
7. Mardonov Shukurullo Kuldashevich, Khujamkulov Umid Negmatovich, Botirova Shakhlo Isomiddinovna, Shermatova Umida Safaevna. The end to educate young people with the spirit of patriotism in the context of globalization. *Journal of Critical Reviews, Malaysia*, 2020, Vol.7, Issue 12, pp 166-169.
8. Mardonov Shukurullo Kuldashevich, Quttibekova Guljan Tulepbaevna. Structure and Mechanisms of Action of The Educational Cluster. *International journal of Psychosocial Rehabilitation, United Kingdom*, 2020, Issue 07, pp. 8104-8111.
9. Jabborova Onakhon Mannapovna, Jumanova Fotima Uralovna, Mahkamova Shohida Rahmatullayevna. (2020). Formation of artistic perception of future teachers. *International journal of pssycological and rehabilitation*, 24(4), 4087-4095.
10. Mamadaliyev K.R., Jabborova O.M., Umarova Z.A., Abdullaeva B.P. Creation of a New Generation of Teaching Literature - A Requirement of Modernity // SCOPUS *International Journal of Psychosocial Rehabilitation*, Vol. 24, Special Issue 1, 2020.
11. Gulyamova X. Boshlang'ich sinflarda o'qish darsidan umumlashtiruvchi darslarni tashkil etish. *Academic research in educational sciences*, Volume 2, Issue 1, 2021, pp 1052-1060

12. Умарова З.А. Бошланғич таълим дидактикаси. Academic research in educational sciences, Issue 2, 2021, pp 556-562.
13. Ochilov Fariddun Izatulloevich, Methods of teaching natural sciences to primary school pupils on the basis of a competent. Palarch's Journal Of Archaeology Of Egypt / Egyptology 17(6) (2020), ISSN 1567-214x. 14520-14539 бетлар.
14. Fariddun Izatulloevich Ochilov, "Atrofimizdagi olam" va "Tabiatshunoslik" darslarini kompetensiyaviy yondashuv asosida tashkil etish jarayonini modellashtirish. The Journal of Academic Research in Educational Sciences, 1(4), (2020). ISSN 2181-1385. VOLUME 1, ISSUE 4. December 2020. Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2020: 4.804. Academic Research, Uzbekistan 2020. 624-629 бетлар.